



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

Розимова Лобар Шухрат қизи

Тошкент давлат юридик университети

магистратура босқичи талабаси

lrozimova96@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10203474>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-November 2023 yil

Ma'qullandi: 20-November 2023 yil

Nashr qilindi: 24-November 2023 yil

KEY WORDS

табиатни муҳофаза қилиш
соҳасида давлат бошқаруви,
экологик бошқарувга оид
қонунчилик ҳужжатлари,
экология соҳасида умумий ва
махсус ваколатли давлат
органлари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасидаги табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва унинг моҳияти олимлар фикри асосида назарий таҳлил қилинган. Ушбу соҳадаги миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий асослар, шунингдек, давлат бошқарув органларининг турлари муҳокама қилинган ва хулосалар келтирилган.

Ҳозирги кунда бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистон Республикасида ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Бунга мисол қилиб давлатнинг айрим ҳудудларида унумдор бўлган ерларни қисқариб бораётганлиги, сув етишмаслиги, қурғоқчиликнинг авж олётганлиги, тупроқнинг таркиби ўзгариб ҳосилдорлиги пасаяётганлиги ҳамда атмосфера ҳавосининг бузилаётганлигини келтиришимиз мумкин.

Мустақилликка эришилган даврларда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари давлат сиёсатининг экологик стратегиясини белгилашда муҳим назарий-методологик асос бўлди. Унда экология соҳасида давлат бошқарувининг асосий вазифалари қўйидагилар бўлиши таъкидланган:

- экологик фаолиятни бунёдкор, оқилона ташкиллаштиришнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- экология соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолияти ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;
- халқаро экологик сиёсий муносабатларда инвестиция, ахборот, тажриба айрибошлашни кучайтириш;

- аҳолининг экологик онги ва маданиятини ривожлантиришда давлат бошқарув органларини ролини ошириш¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига бу йилги Мурожаатномасида “Биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз шарт. Шу боис, Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтиришимиз зарур”² дея таъкидлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач экология соҳасида кўплаб ислохотлар қилинди. Сабаби ўша пайтда ҳам жуда оғир экологик муаммолар мавжуд бўлган. Бу XX аср давомида шўролар ҳукуматининг ишлаб чиқариш ва табиатдан фойдаланишда экстенсив ёндашишга асосланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг оқибатларидан бири эди. Соҳада жуда катта таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши натижасида бугунги кунда мамлакатимизда жаҳон тажрибасига, замонавий фан, техника ва технологияларга асосланган мукамал экологик бошқарув тизими ташкил этилди.

Экологик муаммоларнинг тобора ортиб бориши инсон саломатлигига ҳамда атроф-муҳитга зарарли таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солиш ва мазкур соҳада давлат бошқаруви механизмларини янада такомиллаштириш зарур. Сабаби экологик муаммолар ва уларни бартараф этилишини таъминлаш вазифаси давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Экология соҳасидаги давлат бошқаруви деганда тегишли ваколатли давлат органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ижро фаолияти ва фармойиш бериш фаолиятини тушунишимиз мумкин. Қайд этиш жоизки, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва экологик бошқарув тушунчалари бир-бирига синоним тушунчалар ҳисобланади.

Экологик бошқарув тушунчаси кенг ва кўп қирралидир. Адабиётларда унинг бир неча даражаси фарқланади: глобал экологик бошқарув – бутун Ер қуррасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш; минтақавий экологик бошқарув – Марказий Осиё каби минтақалардаги экологик бошқарув; миллий бошқарув – алоҳида давлатларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув муносабатларини назарда тутати³.

Давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқаруви тегишли ваколат берилган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мазкур соҳадаги давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар тизими белгилаб қўйилган. Улар умумий ва махсус турларга ажратилган⁴.

Қуйидагилар умумий ваколатли органлардир:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таадид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997, 137-6.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (<https://president.uz/uz/lists/view/5774>).

³ Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳукуқи. Дарслик.—Тошкент: ТДЮИ, 2004.— Б. 78.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни, // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.

- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.
- Қуйидагилар эса махсус ваколатли органлар ҳисобланади:
- Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- Сув хўжалиги вазирлиги;
- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- Ички ишлар вазирлиги;
- Ўрмон хўжалиги агентлиги;
- Кадастр агентлиги.

Ушбу келтириб ўтилган органлардан ташқари прокуратура, адлия органлари ва судлар ҳам экологик қонунлар ижросини таъминланишида муҳим вазифаларни бажаради. Улар бевосита табиий ресурслар ёки табиат объектларининг муҳофазаси билан бевосита шуғулланмайдилар. Масалан: прокуратура органлари табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларининг ижроси аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни олиб боради. Суд органларига келсак улар экология соҳасидаги ишлар бўйича одил судловни амалга оширадилар. Ички ишлар органлари эса ўз ваколатини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида назоратни олиб бориш, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали амалга оширади.

Юридик фанлар доктори Ж.Т.Холмўминовнинг фикрича: экология соҳасида давлат бошқарувидан мақсад табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш билан боғлиқ тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва экологик қонунларга қатъий риоя этиш, инсон ҳаёти учун қулай экологик муҳит яратиш, мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда барча табиат бойликларини келажак авлод учун ҳамда мустақил давлатмиз равнақи учун кўз қорачиғидек сақлашдан иборат бўлиши керак⁵. Шу сабабли олим Президентни ҳам экология соҳасидаги умумий ваколатли субъектлар тоифасига киритиб ўтган.

Шунингдек, профессор Й.О.Жўраев ҳам худди шу каби фикрларни билдириб ўтган. Яъни унга кўра: Ўзбекистон қонунчилигида Республика Президентининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги аниқ ваколатлари кўзда тутилмаган бўлсада, Президент бундай ваколатларга эга ва бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси мазмунидан англашилади⁶. Дарҳақиқат “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда Президент экология соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилмаган бўлса ҳам унинг бу соҳада ваколатлари мавжуд ва янги таҳрирдаги Конституциянинг 109-моддасидаги ваколатларни экология соҳасида амалга оширади.

Экология ва атроф-муҳитни асраш нафақат давлатнинг балки фуқароларнинг олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Сабаби биздан келажак авлодга яхши экология қолиши муҳимдир. Табиатни муҳофаза қилишни тартибга солиш ёки назорат қилиш

⁵ Ж. Т. Холмўминов. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳукуки: Дарслик / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор У. Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003 – 268 б.

⁶ Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистана: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996. – С. 43.

нафақат давлат органлари балки жамоат бирлашмалари ёки нодавлат – нотижорат ташкилотлари ҳам бирдек масъул бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, бу борада профессор А.Н.Нигматов “Ўзбекистонда экологик бошқарув – ҳокимият органлар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш ваколатлари, функциялари ва усуллари мажмуасидан иборат”⁷ деган фикр билдирган. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, экология соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширишда фақатгина давлат ташкилотларига суяниб қолмасдан, нодавлат ташкилотлари ва жамоатчилик бирлашмаларини ҳам жалб қилиш лозим. Шунга кўра, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда белгиланган экология соҳасидаги махсус ваколатли субъектлар қаторига *жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотларининг ҳам киритишни тавсия қиламиз.*

Ҳозирда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган экологик қонунчиликни такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда мазкур соҳада 20 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ва 100 дан ортиқ қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Улар жуда тарқоқ ва кўп бўлганлиги боис амалётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли, экология соҳасини тартибга солишга қаратилган тизимлаштирилган ҳужжат қабул қилиниши соҳадаги давлат бошқаруви органларининг вазифа ва функцияларини аниқ қилиб белгилашга замин яратади дейишимиз мумкин.

Бундан ташқари, биз юқорида айтиб ўтган табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги умумий ваколатли давлат органлари ичида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрни алоҳида ҳисобланади. Сабаби, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги вазифа ва функциялари Конституциянинг 123-моддасида, “Маҳаллий давлат ҳокимият органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10, 24 ва 25-моддаларида, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Демак маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳар бир ҳудуднинг минтақавий жойлашуви ва экологик жиҳатларидан келиб чиқиб табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш соҳасида қўшимча тартиб қоидаларни белгиловчи давлат органи ҳисобланар экан. Айнан шунинг учун ҳам ҳудудлардаги ҳокимликлар ўзининг ҳудудини экологик жиҳатдан ривожлантириш юзасидан тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжат ёки “*Ҳудудни экологик жиҳатдан яхшилаш ва барқарор ривожлантириш Концепция*”сини ишлаб чиқиши ва уни амалётга тадбиқ қилиши керак деб ўйлаймиз.

Юқоридаги келиб чиқиб *биринчидан*, Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига экология соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи субъектлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентини киритиш ва бу соҳада унинг ваколатларини аниқроқ ва тўлиқроқ белгилаш масадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчидан, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотларини ҳам ушбу субъектлар қаторига киритишни тавсия қиламиз.

Учинчидан, экология соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари жуда кўп ва тарқоқлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни тизимлаштирилган ҳужжатга бирлаштириш лозим. Бу эса экология соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг

⁷ Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 78.

турлари аниқ қилиб белгиланишига хусусан, уларнинг вазифа ва функцияларини аниқлаштиришга кўмаклашади.

Тўртинчидан, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги умумий ваколатли давлат органи ҳисобланадиган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу соҳадаги ваколатларини кенгайтириш ва такомиллаштириш зарур. Сабаби, ўз ҳудудининг экологик аҳволидан ушбу орган яхши хабардордир. Шунингдек, улар томонидан ҳар йили *“Ҳудудни экологик жиҳатдан яхшилаш ва барқарор ривожлантириш Концепция”* си ишлаб чиқиши керак. Концепция экологик хавфсизликни таъминлашга ва давлатнинг экология соҳасидаги мавжуд асосий вазифаларини тезкор ҳал қилинишига кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таадид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997, 137-6.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (<https://president.uz/uz/lists/view/5774>).
3. Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик.–Тошкент: ТДЮИ, 2004.– Б. 78.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни, // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.
5. Ж. Т. Холмўминов. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи: Дарслик / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор У. Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003 – 268 б.
6. Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистана: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996. – С. 43.
7. Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 78.